# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

20«12»2022 yil. **208-5-73-OB/2022-son**

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси номидан «Низом»и асосида иш берувчи рахбари З.Кудратов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Навбаҳор тумани «Рухшона Фарангиз келажаги» оилавий корхонаси номидан «Устав» асосида раҳбари А.Кенжаев иккинчи томондан, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисида"ги 2021 йил 22-апрелдаги УРҚ-684 сонли қонунига асосан УзРТХБнинг etender.uzex.uz ахборот порталига жойлаштирилган Лот №22110012204940-сонли эълони ва Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси танлов комиссиясининг электрон овоз бериш йўли билан ўтказилган танловга асосан ушбу пудрат шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1.1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

Курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган йўлни жорий таъмирлаш. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган х,ар кандай типдаги вактинчалик йўл ва йуллар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини булиб чикиш - ишларнинг х,ар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган х,олда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кура Бешработ қургони марказидаги "Яшил макон" тик қудуғини жорий таъмирлаш (жорий, капитал) ишлари учун суммаси 79000000 (Етмиш туккиз миллион) сум бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва эркин танлов комиссиясининг карори (2022 йил "13" декабрдаги 204940-сон баённома) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий нархларда 79 000 000 (Етмиш туккиз миллион) сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар киймати узил-кесил х,исобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги доллар бундан мустасно:

курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) х,олатлари сабаб булганда;

ишлар хажми ва тури катъий равишда узгартирилмайди( конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка узгартирилганда.

3.3. курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

Шартномага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек йул белгилари урнатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда йулнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сумда" узаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада "сумда" узаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома буйича ишлар Смета хужжатларига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 (уттиз) фоизи микдорида аванс утказади, бу 23700000 (Йигирма уч миллион етти минг) сумни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукни узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар

киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура- курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.4. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупро ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш укларининг мувофиклиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

8.6. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

8.7. курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

8.9. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Даврхитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

8.10. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакда хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.12. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

8.13. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

10.1. Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойика хужжатларига камда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш мажбуриятини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб- ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиелигини кафолатлайди.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

10.2. Пудратчи нуесонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш "Даврхитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича иктисодий судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI.ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.3. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган еурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор еилишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги Узбекистон Республикаси ^онунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.4 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

12.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тулайди.

12.4. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи "Даврхитектеурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

12.6. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

12.7. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. КОРРУПЦИЯГА КАРШИ ТАЛАБЛАР

14.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

14.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам уз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Узбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига катъий риоя килади.

## XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

15.2. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай акдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиклаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хаклидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

15.8. Шартнома Газначилик булимидан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати «31» декабр 2022 йилгача хисобланади.

## 18. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

**"Рухшона Фарангиз келажаги" ОК**
Манзил: Навоий шахар, Энергитик 18-уй
«Турон банк» Навоий вилояти филиали
х/р: 20208000300516630001 МФО 00200
ИНН: 303489630
Тел:+998 98 571 01 51

O'ZB. RESP. NAVOIY VILOYATI NAVOIY SHAHAR OILAVIY KORXONASI
RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI

Рахбар А.Аннаев

**Навбахор туман “Ободонлаштириш” бошқармаси**
Манзил: Навбахор тумани Бешрабод қурғони
Банк: Марказий банк Тошкент.ш ХККМ
Х/р 100022860122307065200110004 MFO 00014
ИНН 204 591 294 Тел/.факс +99879 562 0010

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | ZOHID QUDRATOV MUZAFFAROVICH |
| | Imzolangan sana | 20.12.2022 14:05 |
| | Hujjat kodi | **MB2745674276** |
| | Hulosa kodi | **CD6726238678** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

CD6726238678

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: NAVBAHOR TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 15.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Navbahor tuman yuridik markazi markaz rahbari:** **E.A.DJABBAROV**

20.12.2022

112

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" Oilaviy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" OK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.11.2015 112 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 303489630

Tashkiliy-huquqiy shakli: Oilaviy korxona

Joylashgan joyi: Navoiy viloyati, Navbahor tumani, O'ZBEKISTON,

Guvohnoma: Navoiy viloyati, Navbahor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 204940 на приобретение Бешробот қургони марказидаги "Яшил макон" тик қудуғини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 13.12.2022

Время рассмотрения 03.12.2022 09:24

Конкурсная комиссия Навбахор туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QUDRATOV ZOHID MUZAFFAROVICH | Бошлик | Ободонлаштириш |
| **Секретарь комиссии** | XAMRAYEV MAMURJON DAVLATOVICH | Инженер | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | SHOQULOV JAMSHID NAJMIDINOVICH | Тик кудуклар булими бошлиги | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | SAPARBAYEV ABBOS QO'RGANBOY O'G'LI | Нур булими бошлиги | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV AZIZ ALLANAZAROVICH | Касаба уюшмаси раиси | Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | XASANOV ZAFARJON AXTAMOVICH | Мухандис | чилен |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.12.2022 года № лота 204940.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по текущему ремонту сооружений** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по текущему ремонту сооружений |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | усл. ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 79 630 173.00 |
| Стартовая сумма | 79 630 173.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш категориясида рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 20 | CC | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Ташкилотни қурилиш сохасида бажарган ишлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни қурилиш сохасида бажарган ишлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 20 | mavjud | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги(Предпочтительно)

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги(Предпочтительно)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 20 | mavjud | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Банк кредитлари буйича муддати утган карздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фондларга, мулкларга таким куйилмаганлиги(Предпочтительно)

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк кредитлари буйича муддати утган карздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фондларга, мулкларга таким куйилмаганлиги(Предпочтительно)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 20 | мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 20 | mavjud | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ташкилот гувохномаси ва устави нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот гувохномаси ва устави нусхаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 20 | mavjud | 20 | Экспертная | | |

Критерий №6 Соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумот. кайси турдаги солик туловчи эканлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Соликдан карзи йуклиги тугрисида маълумот. кайси турдаги солик туловчи эканлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 20 | мавжуд | 15 | Экспертная | | |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 20 | mavjud | 15 | Экспертная | | |

Финансовое значение

**Наименование товара: Услуги по текущему ремонту сооружений**

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 79 630 173.00 | 79 000 000.00 UZS | 79 000 000.00 | 00.00 | 79 000 000.00 |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 79 630 173.00 | 79 600 000.00 UZS | 79 600 000.00 | 00.00 | 79 600 000.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 79 630 173.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 79 000 000.00 UZS | 79 000 000.00 | 00.00 | 00.00 | 79 000 000.00 | 07.12.2022 15:32:55 | 10 |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 79 600 000.00 UZS | 79 600 000.00 | 00.00 | 00.00 | 79 600 000.00 | 12.12.2022 08:52:10 | 9.92462 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI** | 82.5003 | 10 | 92.5003 |
| **ООО BAXROMBEK KELAJAGI** | 63.7497 | 9.92462 | 73.67432 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 204940 от 13.12.2022 года на приобретение Бешробот қурғони марказидаги "Яшил макон" тик қудуғини жорий таъмирлаш определила победителем:

СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI
303489630

и резервный исполнитель: ООО BAXROMBEK KELAJAGI ( 302606209 )

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QUDRATOV ZOHID MUZAFFAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHOQULOV JAMSHID NAJMIDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAPARBAYEV ABBOS QO'RGANBOY O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV AZIZ ALLANAZAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XASANOV ZAFARJON AXTAMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП